Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 224 (6. 415) 1987 йил 2 октябрь, жума Баҳоси 3 тийин

Здоровеньки були, шановні українські друзі!

Здравствуйте, дорогие украинские друзья!

Ассалом, қадрли украин дўстлар!

Бугун Тошкентдаги В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида Ўзбекистон ССРда Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари тантанали равишда очилади

Хуш келибсиз, биродарлар!

Украин, рус, ўзбек тилларида «Ўзбекистонда Украина адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчиларига кардошлик саломи» сўзлари ёзилган транспарант «Тошкент-2» аэровокзали биносида кўзга яққол ташланади. 1 октябрь куни республика пойтахтининг осмон дарвозаси тезучар ҳаво кемалари олдида меҳмондўстлик билан очилди. Улар минглаб километр наридаги қудратли Днепр соҳилларидан ва Закарпатьенинг кўм-кўк адирларидан, Полтава области ва Қора денгиз бўйи чўлларидан азиз меҳмонларни бу ерга олиб келди.

Дўстлар учрашувидан яхшироқ шодиёна бўлиши мумкинми? Оқшомда аэропорт узра карнай-сурнайлар наволари, ноғора-чилдирмалар садоси янграмоқда... Шаҳар меҳнат коллективлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Ўзбекистон пойтахтининг фан ва маданият арбоблари қардош республика вакилларини кутиб олгани аэропортга келдилар.

Кутиб олувчилар орасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок, адабиёт ва санъат кунларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, республика ижодий союзлари ва маданият муассасаларининг раҳбарлари бор.

Анъанага кўра, азиз меҳмонларга нон, туз тутилади. Миллий либосдаги қизлар, ораста пионерлар меҳмонларга гулдасталар тақдим қиладилар.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. И. Гуренко бошчилигидаги делегация составида бу тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг раиси, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Орлик, Украина ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари В. П. Шчербина, Украина ССР маданият министри Ю. А. Олененко, Украина ижодий союзлари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, донгдор меҳнаткашлари бор. Украина ССР адабиёти ва санъати арбобларининг катта бир группаси, қардош республиканинг бадиий коллективлари ҳам Тошкентга келишди.

Шу ерда, аэропортда митинг бўлди. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсандов митингни очди.

СССР, Украина ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаларининг Давлат Гимнлари янграйди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов меҳмонларни самимий табриклади.

Бугун азиз биродарларимиз ва опа-сингилларимиз — Украина ССР вакилларини чуқур ҳаяжонли ҳис-туйғулар ва катта шодиёна билан кутиб оляпмиз, деди у. Биз бундан уч ой аввал — Украинада Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари бўлган чоғда ҳам шундай ҳаяжонли ҳис-туйғуларга берилгандик. У ерда республикамиз маданият арбоблари билан ўтказилган унутилмас учрашувлар, сидқидиллик ва меҳру-муҳаббат туйғулари ўчмас из қолдирди.

Азиз меҳмонларга Совет ҳокимияти йилларида халқларнинг ягона оиласида Ўзбекистон ССР эришган ютуқлар билан танишиб чиқиш учун жуда катта имкониятлар берилади. Шу кунларда барча совет кишилари сингари Ўзбекистонликлар ҳам қизғин бунёдкорлик меҳнати билан банддирлар. Украина вакиллари бугунги кунда ҳосил учун курашнинг олдинги маррасида бораётган пахтакорлар билан учрашадилар, саноат корхоналарида бўладилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган кунлар Ўзбекистон билан Украина алоқаларини янада ривожлантиришга кучли омил бўлиб хизмат қилишига ишонадилар. Украина ССРнинг бу ерга келган ҳамма коллективларига, адабиёти ва санъати арбобларига «Хуш келибсиз!» деймиз.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. И. Гуренко республика меҳнаткашлари номидан ўзбекистонликларга муваффақият, бахт-саодат ва равнақ тилаб, энг самимий қардошлик истакларини топширди.

Республикаларимиз адабиёти ва санъати кунлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётганлигининг чуқур рамзий ифодаси бор, деди у.

Улуғ Октябрь ғояларининг ғалабаси учун биргаликдаги кураш Украина билан Ўзбекистон халқларини бирлаштиради ва биродарлаштиради. Уларнинг меҳнатдаги қардошлиги беш йилликлар қурилишларида, Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида, урушдан кейинги бунёдкорлик ишларида ишончли синовдан ўтди. Бугунги кунда бу қардошлик жамиятимизни социалистик заминда янгилаш йўлида биргалашиб олиб борилаётган иш жараёнида чиниқиб, мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистонда Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари — қардош республикалар халқларининг бир-бирлари билан учрашуви сари қўйилган яна бир қадам, уларнинг бир-бирларига маҳкам боғлиқлиги ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромларининг, бундан буён бир-бирларини маънавий жиҳатдан бойитишлари йўлидаги мустаҳкам ҳамкорликларининг яна бир ёркин далилидир. Дўстлик байрами Совет Ўзбекистони диёри бўйлаб кеза бошлади.

(ЎзТАГ).





СУРАТЛАРДА: Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчиларини Тошкент аэропортида кутиб олиш. Т. Каримов фотолари.

«МАРҲАБО, АЗИЗ МЕҲМОНЛАР!»

Серқуёш диёримизда бошланаётган Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида ўтказилаётган тўйларимизнинг дебочасидир. Биз бундай қардошлик байрамига партия ва ҳукуматимизнинг тинчлик сиёсати бизнинг эришганимиз.

Украин дўстларимиз бизнинг бадиий буюмлар фабрикасига марҳамат этишларини эшитиб, беҳад хурсандик. Биз ҳурматли дўстларимизни очиқ кўнгил ва ёруғ юз билан кутиб олиш учун меҳмонларимизнинг олдига таъзим билан пешвоз чиқамиз. Уларга корхонамизнинг попоп цехида тикиб чиқарилаётган йигирма хил номдаги ўзбек миллий буюмларини иштиёқ билан кўрсатамиз.

Саодат ТОҲИРОВА,

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг бригада бошлиғи, Ленин ордени кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

●

Ўзбекистон ва Украина республикалари халқлари ўртасидаги дўстлик фақат адабиёт ва санъат соҳаси билан чегараланиб қолмай, балки у барча корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва дўстона мусобақалар билан ҳам файзлидир. Мен бошчилик қилаётган бригада ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили тўққиз ойлик топшириғини муддатидан олдин муваффақиятли адо этган экан, бу ютуғимизда Львовдаги мусобақадош ҳамкасбларимизнинг ҳам биз учун илҳомбахш ибрати аҳамият касб этди. Корхонамиз қардошларимиз днёпридаги трикотаж бирлашмаси ишчилари билан бир неча йиллардан буён мусобақалашиб келмоқда. Бу хайрли иш бу йил янада кулоч ёзди.

Қардош ўлканинг адабиёти ва санъати аҳилларини биз ўз корхонамизда ғурур ва ифтихорлик туйғуси билан кутиб оламиз.

Машкура ҚОДИРОВА,

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадаси бошлиғи, Й. Охунбобоев номидаги енгил саноат ходимлари мукофотн лауреати.

●

Мен қурувчилик касбини ўрганиб, иш бошлаганимга чорак асрча бўлаяпти. 1966 йилда Тошкент шаҳри аҳолиси бошига оғир кунлар тушди. Зилзила бўлиб, кўпгина уйлар вайрон бўлди. Ўшанда мамлакатимизнинг турли ўлкаларидан, шу жумладан Украина республикасининг барча областларидан қурилиш-монтаж поездлари Тошкентга келиб, қатор уй-жой биноларини бунёд этишганлигининг гувоҳи бўлганман. Қардошларимиз бунёд этган шаҳар марказидаги «Украина» кварталининг кўчаларидан фахр билан юрар эканман, дўстларимизнинг бизга берган бебаҳо ёрдамини ғурур билан эслайман. Ўн минг га яқин аҳоли яшаётган бу Украина квартали Тошкентнинг фахри бўлиб турибди. Бу квартал ўзининг тўла маъноси билан икки ўлка халқлари ўртасидаги қардошликнинг ёркин тимсолидир.

Борихон ФОЗИЛОВА,

«Ташпромстрой» трестининг сувоқчилар бригадаси бошлиғи.

Алло, редакциями?

МУЛОҚОТГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ушбу суҳбат йигирманчи чақириқ халқ депутатл ари Тошкент шаҳар Советининг бўлажак иккинчи сессияси ҳақида бўлади

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессиясида СССР Олий Совети Президиумининг «Социалистик мулкни сақлашни таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг вазифалари ҳақидаги, аҳолининг хатлари, шикоятлари ва аризалари билан ишлашнинг ҳамда граждалар қабулини ташкил этишнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш юзасидан белгиланаётган тадбирлар тўғрисидаги масалалар қараб чиқилади. «Оқшом» газеталари саҳифаларида муҳокама этиладиган масалалар юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг тезислари эълон қилиниб, шаҳар меҳнаткашларига ана шу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзма равишда ёки оғзаки равишда (33-72-47, 33-72-38 телефонлари орқали) билдиришларини илтимос қилиб мурожаат этилган эди.

Кенг кўламдаги маълумотларни, амалий таклифлар ва мулоҳазаларни олиш, муаммоларни зудлик билан ҳал этиш заруратидан келиб чиқиб Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Оқшом» газеталари билан ҳамкорликда телефон орқали шаҳар меҳнаткашлари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказишга қарор қилди. 5 октябрь куни соат 17 дан то соат 19 га қадар 33-99-42 ва 32-53-66 телефонлари орқали берилган сизларнинг саволларингизга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Шукуруллё Раҳматович **Мирсандов**; унинг ўринбосарлари: шаҳар транспорти ва алоқа масалаларига мутасадди Мансур Маҳмудович **Алиев**; ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳикматулла Ёқубович **Охунжонов**; Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети план комиссиясининг раиси Валентин Антонович **Котов**; уй-жойлардан фойдаланиш ва уй-жой фондини сақлаш ҳамда шаҳар хўжалигини кузги-қишки даврдагиишларга тайёрлаш масалаларига мутасадди Леонид Андреевич **Костин**; капитал қурилиши масалаларига мутасадди Козим Носирович **Тўлаганов**; Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бошқармалари ва бўлимларининг бошлиқлари жавоб қайтарадилар.

Агар сиз белгиланган вақт ичида телефон қилолмай қолсангиз мактубингизни редакция адресига почта орқали, «Алло, редакциями?» деган белгини ёзган ҳолда жўнатинг.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз: телефон орқали мулоқот 5 октябрь куни соат 17 дан то соат 19 гача ўтказилади. Телефонлар: 33-99-42 ва 32-53-66.

Замондошимиз



Кўнгил ришталари

Бу ришталар ҳақида биз аслида кўп гапирамиз, уларнинг аҳамиятию, кишиларимиз ҳаётидаги ролини таъкидлаб ўтирмасак ҳам бўларди. Аслида эса...

Аслида йўлларимиз, сувларимизу тупроғимиздан ташқари биз дўстлик деб атагувчи, қардошлик деб эъзозлагувчи азалий туйғуларнинг бир-бирига туташиб кетганлиги айнан шу нурли иплар — кўнгил ришталари ила изоҳланади. Бу ришталарнинг бақувватлиги эса мену сизга, бизга, уларга, хуллас ҳаммамизга ҳам бирдек боғлиқ ва биз, мана 70 йилдирки шуни амалда кўрсатиб келмоқдамиз.

«Дўст билан обод уйинг...» деб айтган хушкалом шоиримиз ҳам айнан шуни назарда тутган. Ва айнан шу муштарак ришталар — кўнгил ришталари диллар, мўътабар инсоний туйғуларнинг устворлиги учун ҳам устворлидир.

ЎзТАГ мухбири Ф. Қурбонбоев олган мана бу суратга бир қаранг: СССР халқ артисти, украин халқининг санъат ифтихори Ада Роговцева билан Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Евгения Губинанн маслакдош этган, ҳамсуҳбат этган уларнинг унвонлари эмас, (аслида унвонлар ҳам ҳалол меҳнат тимсолидир) балки биз таъкидлаган кўнгил ришталаридир. Бу ришталар украин саҳнасида янграётган чолғу асбобининг торларига ҳам, бизлардаги тўқимачилик комбинати дастгоҳларидаги ипларга ҳам уланиб кетган. Аслида...

Аслида тўқувчининг ҳам, санъаткорнинг ҳам заҳмати, меҳнати бирдек. Бу касблар бирдек жонкуярлик, бирдек фидойиликни талаб этади. Ва бугун «Замондошимиз»да суратларн берилаётган бу аёллар ҳалол меҳнату саммий фидойиликнинг қадрига бирдек етадиган куюнчак инсонлардир.

Биз нима деймиз!

Бор гапни айтадиган бўлсак баландпарвозлик бўлиб туюлиши, айтмасак агар камтарликдай кўринниши мумкин.

Келинг, яхшиси уларнинг суҳбатига ҳар хил сўзлар билан халал бермайликда, бир сўзнигина эслатиб ўтайлик:

Бу аёллар жуда камтар. Бўстонга ҳуси бериб турган беғараз атиргуллар кабн камтар булар.

Бошқа сўз йўқ.

СУРАТДА: СССР халқ артисти Ада Роговцева билан Соцналистик Меҳнат Қаҳрамони Евгения Губина.

Қардошлик алоқалари мустаҳкамланмоқда

Шу йил июнь ойида Днепр бўйидаги республика ўзбек қардошларини меҳмондўстлик билан кутиб олган эди, миллион-миллион украиналикмеҳнаткашлар ўша учрашувларни ҳали-ҳали эсламоқдалар. Эндиликда серқуёш Ўзбекистон заминида навбатдаги дўстлик байрами бошланмоқда.

Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари очилиши арафасида Украина Ахборот Агентлигининг мухбири Украина Маданият министри Юрий Александрович ОЛЕНЕНКО билан суҳбатлашди.

— Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги юбилейи арафасида республикаларимизда дўстлик байрамларини ўтказаётганлигимиздан ғоятда мамнунмиз, — деб таъкидлади министр. — Ўзбекистон, Украина меҳнаткашлари барча Совет кишилари қатори жамиятимизни революцион янгилаш энг муҳим босқичларидан бирини бошларидан кечирмоқдалар. Бу эса хайрли учрашувларимизга ўз таъсирини ўтказмоқда, байрам қатнашчиларининг ҳар бири зиммасига халқларимиз қўлга киритган ютуқлар ва уларнинг бугунги ўй-ташвишлари ҳақида қардошларимизга бутун ҳақиқатни сўзлаб бериш ваколатини, ўзларининг бутун истеъдодларини намоён этиш вазифасини юкламоқда.

— Юрий Александрович, суҳбатимиз бошида Украин ва Ўзбек халқларининг бир-бирига меҳр-муҳаббати ва ҳурматининг теран илдизлари ҳақида эслаб ўтиш жоиз бўларди, деб ўйлайман.

— Украинада қардош республика адабиёти ва санъати кунлари бўлаётган кезларда ўзбек маданияти усталари «Дўст билан обод уйинг» деган ўзбек нақлини бир неча бор тилга олдилар. Ана шу ҳикматли гапни биз ҳам эсласак яхши бўларди.

Одамларга меҳр-муҳаббат ҳисси билан йўғрилган, биродарлик туйғуси билан суғорилган барча ишлар абадулабад қолади. Алишер Навоий ва Тарас Шевченко, Ғафур Ғулом ва Павло Тичина сингари мутафаккирлар ва сўз усталарининг ижоди бугунги кунларимизга ҳам бокира гўзаллиги ва маънавий қудрати билан етиб келди. Днепр, Сирдарё ва Амударё сувини ичиб камолга етган ана шу маданият даҳолари ва улар изидан борган ўнлаб ижодкорлар бизга халқларнинг бирлиги, уларнинг ҳамиша яхшилик ва тинчликка интилиши йўлларини йўлчи қолдуздек ёритиб турибди.

Ўзбеклар Тарас Шевченкони ўлмас қўбизчи деб атайдилар. Улуғ шоиримизнинг китоблари саҳифаларини варақлаб, биз бундан бир асрдан кўпроқ муқаддам улуғ мутафаккиримиз ўзбек тупроғида сургунда бўлгани чоғида яратган «Орол» туркумидаги шеърлари ва суратларини катта ҳаяжон билан ўқиб, кўздан кечирамиз. Меҳнаткаш инсонга меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром туйғулари жўш уриб турган ана шу асарлар соддадил, дилкаш ва меҳмондўст ўзбек халқининг ҳақиқий сиймосини бутун оламга намойиш этди, бу халқни яхшироқ тушуниб олишга имкон берди.

— Пролетар интернационализми, совет халқлари қардошлиги руҳи оғир уруш йилларида ўз қудратини яна бир бор намоён этди. Маълумки, Амударё ва Сирдарё ўрталарида меҳр-оқибатли юрт украналик ўнлаб маданият арбобларини ўзининг иссиқ бағрига олган эди. Дўстлигимизнинг ана шу ёркин саҳифаси тўғрисида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

— Тўғри айтдингиз: уруш бошланиб, мамлакат бошига оғир кунлар тушганида ўн минглаб оилаларни, етим қолган болаларни ўзбеклар қучоқ очиб кутиб олдилар, фашистлар вақтинча босиб олган Украина территориясидаги кўпгина заводлар Ўзбекистонга кўчирилди. Айни вақтда Украина ССР адабиёти ва санъатининг кўпгина арбоблари ҳам ўз қардошларининг меҳр-оқибатидан баҳраманд бўлдилар.

Ўзбек заминн минглаб украиналикларнинг иккинчи ватани бўлиб қолди. Ана шу иккинчи ватанга совет кишиларининг кўтаринки руҳи, букилмас сабот-матонатини улуғловчи қанчадан-қанча ажойиб асарлар яратилди, фашистлар ҳайдаб юборилганидан кейин ўз юртларига қайтиб келган одамлар ўзбек диёрининг мурувватн ва садоқатини бир умрга юракларига жо этиб яшамоқдалар. Урушнинг машаққатли йилларида ана шу юрт бутун бепоён ватанимиз сингари руслар ва украинлар, белоруслар ва молдавалар, поляклар ва немисларга бошпана бериб, уларни ўзининг иссиқ бағрига олди, нону насибасини баҳам кўрди.

Чернобилда рўй берган фожиали кунларда Ўзбекистон меҳнаткашлари интернационализм ғоясига содиқликларини яна бир бор амалда намоён этганликларини ҳам айтиб ўтмоқчиман: юзлаб киевлик болаларни канникул вақтида Ўзбекистон аҳолиси ўз қучоғига олди. 904-счётга бу ердан ўн минглаб сўм маблағ тушди. Чернобиль атом электр станциясидаги авариядан бартараф этишга Ўзбекистон ССРдаги қорхона ва ташкилотлар катта ҳисса қўшдилар.

— Тўғри айтдингиз, Юрий Александрович, атом электр станциясининг сўнгги каскадида уни ёпиб қўядиган катта иншоот қурилаётган кезларда — яъни бир неча ой мобайнида 60 метр баландликда катта-катта қизил қарфлар билан «Навоий» деб ёзиб қўйилган эди. Бу иншоотни Навоий шаҳридаги қурилиш бошқармаларидан бирининг бетончилари ва монтажчилари бунёд этдилар.

Энди асосий мавзуга қайтсак. Уруш йиллари Ўзбекистонда ишлаган Украина маданиятининг арбоблари ўша даврни ижоддаги энг баракали йиллар, дейишади...

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Мен бу ҳақда саҳна ва кино санъати усталари билан, рассомлар ва ҳайкалтарошлар билан гаплашганман. Суҳбатдошларимнинг ҳаммаси душман устидан ғалабага ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиш истагида зўр ғайрат-шижоат билан ишладик, меҳмондўст ўзбек биродарларимизнинг мурувватн ва меҳр-оқибатига жавобан яхшилик қилишга, уларга билганларимизни ўргатишга, шу юртнинг фарзанди бўлишдек бахтга яраша меҳнат қилишга ҳаракат қилдик, деб тасдиқлашди.

(Давоми 3-бетда).

БИЛДИРИШ

ЙИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, йигирманчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг иккинчи сессияси 1987 йил 9 октябрь соат 16.00 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг катта мажлислар залида (Ўзбекистон проспекти, 9) бўлади.

Депутатлар ўша ернинг ўзида соат 15.00 дан рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.



Узбекистон ССР қурилиш министрлигига қарашли экспериментал тажриба-механика заводининг қуюв цехи ишчиси Николай Халилов айни кунларда коллектив ишчиларн ўртасида Улуғ Октябрнинг 70 йиллиғи шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Ишга ижодий муносабатда бўлиш моҳир қуювчи эришаётган ютуқларининг бош омили бўлаётир.

СУРАТДА: Н. Халилов иш устида.

Р. Содиқ-Зода фотолари.

Халққа манзур истеъмол буюмлари кўпайсин

Қолоқликнинг сабаби нимада?

«Таштекстильмаш» заводининг кенг истеъмол буюмларн цехи ҳозирги кунда 19 хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Улар уй-рўзғорда асқотадиган қозон, гўшт қиймалагич, ҳамир кескич ва бошқа бир қатор буюмлардир. Кейинги йилларда ана шу маҳсулотларнинг сифати анча яхшиланди. Ишчилар ҳар қачонгидан ҳам самарали ишлаб, маҳсулот сифати ва иш самарадорлигини тобора оширмоқдалар. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 97 процентн биринчи тақдимдаёқ топширилмоқда. Цехда сентябрь ойидан бошлаб това, буғлатгич, балиқ тозалагич каби янги буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лекин...

Цех коллективи мана сурункасига уч ойдан буён планни бажара олмаяпти. Хўш, бу қолоқликнинг сабаби нимада?

Цехда тайёрланаётган кенг истеъмол буюмлари аввал заводнинг бошқа цехларида тайёрланиб, кейин бу ерга келтирилади. Масалан, қозонлар, гўшт майдалайдиган ускуналар қуюв цехида, ҳамир кескич, буғлатгич ва балиқ тозалагичлар темирчилик-пресслаш цехининг пластмасса участкасида тайёрланади ва ҳоказо.

— Бизнинг вазифамиз, — дейди кенг истеъмол буюмлари цехи бошлиғи Бахтиёр Зоиров, — маҳсулотга механик ишлов бериш йиғиш ва упаковка қилишдан иборат. Агар маҳсулотнинг ҳамма қисми бўлмаса, биз уни йиға олмаймиз. 2-механика цехи бизга гайка, болт, шпилька каби деталларни етказиб бериши керак. Аммо ўтган ҳафтада биргина шурупнинг йўқлиги туфайли гўшт майдалайдиган ускуналар йиғилмади. Ишчилар эса етти кун бекор юрдилар. Бошқа цехлар ҳам шу пайтгача ўз ишларига масъулиятсизлик билан қараб келмоқдалар. Улар зарур деталларни ўз вақтида етказиб бермаётганликлари туфайли плантопшириқларни бажара олмаяпмиз. Масалан, ойнинг биринчи ярмида цехимизга биророрта ҳам зарур деталлар келиб тушмади. Баъзан шундай пайтлар бўладики, бир ҳафта, икки ҳафта беҳуда ўтади. Ойнинг иккинчи ярмида эса штурмчилик бошланади, бизга «мана» деганидек, деталларни уюб ташлашади. Вақт тиғиз. Иш маъроми бузилади. Цехимизда 8 та бригада бўлишига қарамай, шулардан иккитаси токарлик ишлари билан машғул. Улар тўқимачилик машиналари учун вал, ўқ, подпишниклар тайёрлайдилар...

Цехда план бажарилмаётганлигининг яна бошқа бир сабаби бор. Заводда умуман таъминот масалалари яхши эмас. Масалан, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган полиэтилен, полистироль, алюминий ўз вақтида келтирилмайди. Натижада ишда узилишлар рўй бермоқда.

Яқинда бир хайрли ишга қўл урилди. Халқ истеъмоли моллари цехининг янги корпуси қурилиши бошланди. Янги цехнинг ишлаб чиқариш майдони 400 квадрат метр бўлиб, у битгач ишчиларга анча қулайлик яратилади.

Ишчилар «Зора қурувчилар инсофга келиб, янги корпусни тезроқ битириб берсалар», дейишмоқда.

Лекин ҳар қандай баҳонадан амалий ишга ўтган яхши. Энг муҳими, ишни ташкил этишни билиш керак. Агар таъминот ишларининг ўлда-жўлдалиги планнинг бажарилишига ҳалақит бераётган экан, демак ишни худди шу ердан, уни яхшилашдан бошлаш лозим. Ана шундагина цех коллективи қолоқлар сафидан чиқа олади.

С. ИКРОМОВ.

Шаҳар партия комитети пленуми олдидан

САМИМИЙ ИНТЕРНАЦИОНАЛ ДЎСТЛИК

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясн ленинча миллий сиёсатни оқилона юритиш ва ривожлантира бориш сабабли бепоён мамлакатимизнинг барча халқлари худди туғишганлардек, ягона оила аъзоларн сингари аҳил ва иноқ яшамоқдалар.

Ўзбек халқининг интернационалистлиги ва унинг меҳмондўстлиги барчага аён. Яқинда бир тошкентлик меҳмондўстлик хусусиятини жуда ўзига хос янги кўринишида намоён этди. Шунинг учун биз алоҳида тўхталиб ўтишни лозим кўрдик.

Шаҳри азимимизда одатдагидек, катта анжуманн ўтказиш мўлжалланган эди. Ўзгалар қаторн бу конференцияга москвалик йирик мутахассис, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича профессор Горбенко — Германов ҳам асосий докладчилар қаторида таклиф этилган эди. Тунда улкан ҳаво лайнерн — ИЛ—86 Тошкентга келиб қўнди. Москвадан келган профессор, аэропортнинг кутиш залига кириб, ваъдалашув бўйнча, меҳмонхонагача кузатиб қўювчи йигитни кутардн.

Соат милларн бирин-сирин ўтаверганидан вақт алламаҳал ҳам бўлган эди. Профессорнинг Тошкентга биринчн бор келиши, айтишларича шаҳарда меҳмонхоналар кўп эмиш... уларнинг қайси биридан жой тайинланган, бу муаммо... Кўнгилдан шу хаёллар ўтаётган ушбу дамда профессорга қора қош, ўзига ярашиб турган қоп-қора мўйловли истараси иссиқ, юксак фаросат билан кийинган бир ўрта ёшли киши келиб, ўта маданият билан:

— Кечирасиз, сиз мабодо Новосибирск шаҳридан келган ўртоқ Кудрявцев эмасмисиз?— деб сўради.

Бу киши ҳамшаҳримиз — Урожайная кўчанинг Уражайний проездн 6-уйда истиқомат қилувчи олижаноб фазилатли Ғуломжон ака Аҳмедов эди.

Профессор Горбенко — Германов Москвадан келганини, унн аэропортда кутиб олишга ваъда қилишганини, аммо ҳозирча ҳеч кимдан дарак йўқ эканини ва эрта тонг отгунча кутишини айтди.

Ғуломжон ака аэропорт залини яна бир айланиб чиқиб, радио орқали эълон қилингандан кейин ҳам кутаётган кишисинн келмаганига ишонч ҳосил қилгач, профессор Горбенко ёнига келиб:

— Мен кутган одамим келмади, сизни эса кутиб олувчингиз. Шунинг учун ўтниб сўрайман бизникида меҳмон бўлсангиз, машинам ҳам бор, урниб ўтирмайсиз, — деб туриб олди.

Профессор илтимосни рад этишга бир неча бор урниб кўрди, қарасаки, таклиф жуда қатъий, розн бўлишдан бошқа илож қолмади.

Енгил машина тунда транспортлардан анча енгиллашган Тошкент кўчаларн бўйлаб елиб борардн, ёқимли майин шамол кишига ўзгача ҳузур бахш этарди. Йўл-йўлакай меҳмон Урта Осиё халқларининг меҳмондўстлигини таърифловчи қатор китоб ва киноленталарнн хаёлндан бирин-кетин ўтказиб, мана энди эшитганларимга ўзим тирик гувоҳ бўла оламан деган хаёллар оғушида машина манзилга етиб келиб қолганнни ҳам билмай қолди...

Ғуломжон ака ва нотаниш меҳмонни остонада очиқ чеҳра ва ҳушмуомалалик билан шу хонадонининг бекаси — Тошкент область Калинин район поликлиникасининг медицина ҳамшираси Холиса опа Аҳмедова ўта тавозелик билан кутиб олдн. Дид билан тузатилган дастурхон атрофидагн қизғин ва самимий суҳбат даврида уй эгаларн ташриф буюрган меҳмон — химия соҳасидаги етук мутахассис, Москвадагн Бутуниттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларн илмий-текшнриш институтнинг профессорн Горбенко—Германов эканлигини билиб олишди.

Самимий кутиб олишлар, яратилган қулайликлар туфайли яхши ухлаб турган профессор эрта билан кутиб олишлари лозим бўлган институтга телефон қилиб, ўз вақтида етиб келганини, яхши дам ҳам олганини, лекция ўқиш учун тайёр эканини айтиб, Ғуломжон ака хонадонининг адресини ва телефон номерларини уларга айтди. Конференцияда навбатчилик қилувчи машина ва илмий ходим олимни олиб кетиш учун келганини маълум қилди. Профессор уй эгасидан кетишга рухсат сўраган эди, қуйидагн жавобни эшитди:

— Рухсат берамиз, аммо кеч томон албатта шу хонадонга қайтиш ҳақида сўз берсангизгина.

Розн бўлмаслик хонадон аҳлнин хафа қилиш билан баробар эканини тушунган профессор кеч томон янги ортўтирган қадрдон дўсти — Ғуломжон ака уйига келди ва самимий суҳбатлар яна авжига кўтарилди... Бу икки халқ ўртасидагн меҳр-муҳаббат, абадий дўстлик рамзидир, совет кишилари характеридаги асосий хислат — самимий интернационал дўстлик намунасидир.

Н. АЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалари химияси институтининг катта илмий ходими.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

№ 12 (122)

Ошкоралик ва активлик руҳида

Мени бир нарса қизиқтиради. Баъзан йиғилишларда кун тартибидан четга чиқадиган таклиф ва мулоҳазалар билдирилганда унга қандай муносабатда бўлиш керак, у ёки бу қарор қабул қилишда коммунист бетараф қолиши мумкинми?

Д. Акбаров,
хизматчи.

Ў. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи партия комитетининг секретари.

— Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг январь ва июнь (1987 йил) Пленумлари ишлаб чиққан қайта қуриш ғояси асосида ҳозир барча соҳаларда қизғин иш олиб бориляпти. Демократия ва ошкораликка катта эътибор қаратиляпти. Бошланғич партия ташкилоти ҳозирги босқичда ана шу барча ишларни зўр масъулият билан амалга оширишга интилмоқда. Коммунистлар йиғилишларда партия съезди ва Пленумлари белгилаб берган йўл-йўриқлар асосида ишларни қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини изчил амалга оширишга интилмоқдалар. Албатта, бу борада ҳали барча ишлар кўнгилдагидек бораяпти, деб бўлмайди. Ҳали олдимизда кўпгина муҳим вазифаларимиз бор. Ана шулардан бири менимча, коммунистларнинг активлигини, ишда ошкоралик руҳини янада кучайтиришдан иборат.

Маълумки, йиғилишларда шу кунниг долзарб масалалари кун тартибига қўйилади. Коммунистлар уларни муҳокама этишда фаол қатнашадилар КПСС Устави, партия ҳаёти нормалари, коммунистларнинг барча мулоҳазалари, таклифларига ҳурмат билан қарашни тақозо этади. Шу таклиф ва мулоҳазалар муҳокама қилинаётган масалага бевосита тааллуқли бўлса ва йиғилиш иштирокчиларининг кўпчилиги томонидан маъқулланса, бу йиғилиш қабул қилган қарорда ҳам ўз аксини топади.

Аммо гоҳида шундай бўладики, баъзан коммунист муҳокама этилаётган масала доирасидан четга чиқадиган таклиф ва мулоҳазаларни ҳам ўртага ташлаши мумкин. Бундай ҳолларда агар йиғилиш қатнашчилари бу таклиф ва мулоҳазаларни муҳим деб ҳисобласалар, улар юзасидан ҳам махсус қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Аммо гоҳида шундай ҳоллар ҳам бўладики, айрим коммунистларнинг кун тартибидан четга чиқадиган таклиф ва мулоҳазалари унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмайди, шунинг учун улар юзасидан қарор қабул қилиш талаб қилинмайди. Бундай мулоҳаза ва таклифлар одатда протоколда қайд этилади, холос.

Йиғилишларда коммунистлар томонидан айтилган ҳар бир фикр ғоятда диққат билан ўрганилиши, унга муносиб жавоб берилиши, кўрилган чоралар ҳақида эса келгуси йиғилишда коммунистларга ахборот берилиши керак. Бу партия ташкилоти секретарининг, партия бюроси, партия комитетининг бурчи ҳисобланади. Гоҳида шахсий характердаги саволлар ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолларда эса унинг натижаси ҳақида ўша савол берган кишининг ўзига хабар берилади.

Баъзан шундай бўладики, қарор қабул қилишда коммунист на уни ёқлайди, на рад қилади. Ҳолбуки, қарор қабул қилишда овоз бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки шу тариқа мунозарага якун ясалади, муайян бир фикрга келинади. Қарорнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлиги, унинг характери овоз бериш натижасида яққол намоён бўлади. Коммунистларнинг тақдири, партия ташкилоти белгилаган чора-тадбирларнинг оқибати ана шу қарор— овоз бериш натижасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам унга овоз беришдан ҳеч бир коммунист бўйин товламаслиги шарт. Бундай ҳолларда коммунист фаол ҳаётий позицияда туриши — бу унинг ўз партия ташкилоти ишларига қанчалик масъулият билан қарашини кўрсатади. Овоз бериш чоғида коммунистнинг умумий кайфияти, унинг онглилик даражаси, принципиаллиги яққол сезилади. Ҳар бир коммунист ўз шахсий овозининг аҳамиятини аниқ-равшан тушуниши, нуқтаи-назари аниқ бўлиши лозим. Тажрибадан шу нарса яхши маълумки, агар бирон-бир коммунист муҳокама этилаётган масала ҳақида унчалик хабардор бўлмаса ёки бу ҳақда тасаввури бўлмаса бетараф қолади. Демак у масалани охиригача ўрганмаган, тушуниб етмаган бўлади.

Бироқ, шуни унутмаслик керакки, коммунистни у ёки бу таклифни ёқлаб овоз беришга мажбур этиш мумкин эмас. Аммо у ёки бу коммунистнинг принципсизлик қилишига нисбатан муросасозлик қилиш ҳам мумкин эмас. Коммунист ошкоралик ва демократия кенг тус олгач ҳозирги даврда айниқса лоқайд кузатувчи бўлиши, йиғилишда масаланинг қандай ҳал этилишига лоқайд ва бефарқ қараши мумкин эмас. Бу партия аъзосига хос бўлмаган хусусиятдир.

Етилган муаммоларни муҳокама этиш ва уларни ҳал этиш юзасидан қарорлар қабул қилиш чоғида ҳеч бир коммунист ундан бўйин товламаслиги, аксинча бу масалаларни муҳокама этишда ва улар юзасидан қарор қабул қилишда активлик кўрсатиши керак. Бутун ишларимизни қайта қураётган ҳозирги пайтда бу жуда муҳимдир.

Справкалар бюроси

Ф. ҚОДИРОВ: Мен яқинда олий ўқув юртини битириб бошқа шаҳарга ишга юборилдим. Энди оиламни ҳам шу ерга олиб келиш ниятим бор. Бизнинг онла уй-жой билан таъминланиши мумкинми?

Жавоб: СССР Министрлар Совети томонидан «Бошқа жойга ишга юборилгандаги кафолот ва компенсациялар» ҳақидаги 1981 йил 15 июлда эълон қилинган қарорга биноан бошқа жойга ишга юборилганлар ва уларнинг оилалари турар-жой билан ўша ерга борганларида тузилган меҳнат шартномаси шартларига асосан уй-жой билан таъминланадилар.

* * *

А. ЖАЛЛИБОЕВ: Ходимни корхона маъмурнятн бир ой муддат билан малака ошириш учун юборганда ҳақ тўлаш тартиби қандай бўлиши ҳақидаги маълумотни билмоқчи эдим.

Жавоб: Бошқа жойлардаги малака ошириш институтларига, мактаблар ва курсларга юборилаётган раҳбар ходимлар ва мутахассисларга бориш ва келиш учун йўл ҳақи, йўлда бўлган вақт учун сутка пули хизмат командировкалари нормаларига мувофиқ малака ошириш учун юбораётган корхона ҳисобидан тўланади. Малака оширишга жўнатилган ходимлар корхона (муассаса, ташкилот) ҳисобидан ётоқхона билан таъминланадилар.

Н. ТУРСУНМЕТОВ,
шаҳар прокурори ёрдамчиси.

Уй қачон қурилади?

Ҳурматли редакция! 6-Қорасув массивида 14-уй қурилиши керак эди. Аммо унинг қурилиши чўзилиб кетди. Сабабини билолмай оворамиз. Илтимос, мумкин бўлса мутасадди раҳбарларимизнинг газета орқали жавобини эълон қилсангиз.

И. Умаров, хизматчи.

К. ТЎЛАГАНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети И. Умаровнинг хатида келтирилган фактларни кўриб чиқди. 6-Қорасув массивидаги 14-уйнинг қурилиши ҳақиқатан ҳам чўзилиб кетди. Бу бир қатор объектив сабаблар билан боғлиқдир. Чунончи, янги уйнинг қурилиши учун майдон тайёрлаш керак. Иркутск кўчасидаги уйларнинг ўз вақтида бузилмаганлиги туфайли ана шу қурилиш ишлари чўзилиб кетди. Эски уйларнинг бузилиш масаласи ижобий ҳал этилса, яъни гуси ойининг 15-чисосигача қурилиш участкаси тайёрлаб берилади. Ана шу сабабларга кўра 14-уйни фойдаланишга топшириш 1988 йилга мўлжалланди.

Талаб қондирилди

Янгиобод массивида икки қаватли савдо шохобчаси бўлиб унинг биринчи қаватида 25-озиқ-овқат магазини жойлашган. Иккинчи қаватида эса бир вақтлар ошхона, кейинчалик кафе бўлиб ниҳоят ҳар хил базмлар ўтказиладиган жойга айлантирилди. Бундан бир неча ой муқаддам ана шу кафе ўрнида райондаги мактабларга ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берадиган комбинат қурилди. Реконструкция ишлари учун анча маблағ сарфланди. Аммо шу ошхона ёнидаги сабзавот ва мевалар билан савдо қиладиган магазин, нон магазини кўримсиз аҳволга тушди. Автобуслар тўхтайдиган бекатда эса ошхонада пиширилган ширин-шакар маҳсулотлар сотиладиган бўлди. Жазирама иссиқда ва ёмғирли кунларда йўловчилар очиқда автобус кутишга мажбур бўлишмоқда. Бундай тартисизликларга қачон барҳам берилади?

А. АҲМЕДОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва меҳнат ветерани.

Т. МАТНИЁЗОВА,
Ҳамза район ошхоналар трестининг директори.

— Шаҳримизнинг бошқа районларидаги каби бизнинг районимизда ҳам мактабларга ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган комбинат биноси бардо этилди. Биз ана шу комбинатни Янгиобод массивидаги Радость кўчасида жойлашган кафе ўрнида очдик. Бу комбинат районимиздаги 22 та мактабни ярим тайёр маҳсулотлар билан, ун ва ҳар хил ширинликлардан тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлайди. Газетхон А. Аҳмедовнинг хатида келтирилган камчиликларнинг барчаси бартараф этилди. Бугунги кунда райончетерногнинг янги сабзавот ва мевалар билан савдо қиладиган магазини ишлаб турибди. Қурилган янги дан нон билан савдо қиладиган янги бўлим очилди. Бугунги кунда ана шу нон магазини харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Ҳар хил ширинликлардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари ҳозир транспорт бекати ёнига кўчирилди. Бугунги маҳсус лотокда харидорларга хизмат кўрсатилмоқда.

Калиш қидиряпсизми?

Луқма

— Овара бўласиз, — деди сотувчилардан бири. — Сиз қидираётган калишдан ондасонда бўлади. Шунинг учун яхшиси ана шу боридан — қуйма калишдан олиб кетаверинг.

Қуйма калишни қўлимизга олиб, қинғир-қийшиқлигини кўриб харид қилгимиз келмади, — деб ёзишибди бир группа газетхонлар редакцияга хат йўллаб. Нима учун шаҳримиздаги магазинларда бундан бир неча йил бурун ишлаб чиқарилаётган, ҳаммага манзур бўладиган чиройли калишлар йўқ.

Биз шаҳар савдо Бош бошқармасига қўнғироқ қилиб нима учун шаҳримизда харидорлар ёқтирадиган калишларнинг йўқлиги сабабини сўрадик. Бўлим мудири Ш. Юсупов бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга эмаслигини, яхшиси «Ташобувьторг» идораснидагилар билан гаплашганлигимиз маъқуллигини айтди.

— Ҳақиқатан тўғри ёзишибди, — деди «Ташобувьторг» директори ўринбосари Т. Каримов. — Магазинларимизда кўпчиликка манзур бўлмаётган калишлар тиқилиб ётибди. Фақат идорамиз омборхонасининг ўзида ана шундай калишлардан 53962 жуфт бор. Агарда магазинлардагиларни қўшиб ҳисобласак 180 мингдан ошади. 206-рақамли қуйма калишларни кўпчилик ёқтирмайди. Харидорбоп 106, 206-рақамли калишлар йўқ.

Шаҳар магазинларини қаланамиз. Кўпчилик харидорлар ўзларн ёқтирган силлиқ юзли, ихчам, чиройли калишларни қидириб юришади. Сотувчилар эса пекинталарни хира қилиб ётган қуйма калишларни кўрсатишмоқда. Кўпчиликка маъзур бўлмайдиган бундай қуйма калишларнинг кимга нараги бор?

Раҳмат ПОЛВОН



Агрегат заводининг ишчи коллективи юбилей йили шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятни муваффақиятли адо этиб бормоқда. Бунинг эвазига машинасозлик корхоналарига етказиб берилаётган эҳтиёт қисмлар ва деталларнинг сифати тобора яхшиланиб бораётир. Қолаверса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кенгаймоқда. Айни пайтда бу қувончли ютуқларга графикдан ўзиб меҳнат қилаётган ишчилар айниқса саъмоқлн ҳисса қўшмоқдалар. Токарь Азамат Умаров, пайвандловчи Пётр Ушаков, Завинднн Ҳошимов сингари ўз касбининг моҳир усталари бугунги кунда смена нормаларини бир ярим баравар бажаришмоқда. Натижада улар Октябрнинг 70 йиллиқ юбилейига муносиб совға тайёрлашмоқда.

СУРАТДА: бригадир Р. Биков [ўнгдан чапга], пайвандловчи П. Ушаков, З. Ҳошимов ва токарь А. Умаровлар тайёрланган маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

● ПРАГА. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган «Совет радиотехника саноати — инсон фаровонлиги йўлида» кўргазмаси совет радиотехникаси ва приборсозлиги ютуқларининг кўриги бўлди. Кўргазма ғарбий Чехиянинг Тахов шаҳрида очилди. Кўргазма экспозициясн «СССРда тайёрланган» тамғаси қўйилган радиолокация ва ўлчов техникаси, замонавий медицина асбоб-ускунаси ҳамда дисплей ва ҳисоблаш комплекслари учун мўлжалланган бошқа системалар билан таништиради. «Корвет» электрон-ҳисоблаш ўқув машинаси ва «Криста» рўзғор компьютерлари, янги туркумдаги «Темп», «Витязь» ва «Чайка» рангли телевизорлари, «Весна» видеомагнитофони ва бошқа техника янгиликлари томошабинларда зўр қизиқиш уйғотмоқда.

ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

● БЕЛГРАД. Бу ерда 21-Белград халқаро театр фестивали тугади. Фестивалда Европа, Осиё ва Америкадаги бир қанча мамлакатларнинг театр коллективлари иштирок этдилар.

Фестивалда, шунингдек Совет Иттифоқининг иккита ижодий коллективи — Гоголнинг «Қиморбозлар» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектаклни намойиш қилган Ленсовет номли театр ва совет драматурги Виктор Славкиннинг «Серсо» пьесасини кўрсатган Москванинг «Драма санъати мактаби» труппаси қатнашди.

Кулги билан даволаш

СТОКГОЛЬМ. Швециядаги Мутала шаҳрининг врачлари кулги умрни узайтиради, деган гапни амалда исботлашга қарор қилдилар. Шаҳардаги марказий клиникаларнинг бирида «Кулгихона» ишлай бошлади. Сурункали касалликка чалинган беморлар бу ерда «Юморотерапия» («Кулги терапияси») дан ўтадилар.

Лойиҳа авторларидан бири врач Ларс Льюнгдалнинг фикрича, кулги ва ҳазил айниқса доимий оғриқ сезиладиган касалликларга чалинган кишиларга ижобий таъсир кўрсатади, бундай кишиларни даволаш учун медицина воситалари хазинаси ниҳоятда чекланган. Кулги организмнинг умумий ҳолатини яхшилайди, бу эса даволашда ниҳоятда муҳимдир.

Беморлар ҳар ҳафта ўн кишидан бўлиб «Кулгихона»га кирадилар ва ... кула бошлайдилар. Кулги ҳисси ҳар кимда ҳар хил бўлганлигидан дастлабки дамларда уларга ўйлаб топилган ёки дарҳақиқат бўлиб ўтган кулгили воқеаларни ўзлари гапириб беришлари таклиф қилинди. Кулгидан бебаҳра кишиларга эса атайлаб танланган кўпдан-кўп китоблар бор.

Асосий вазифамиз беморларни кулгихонадаги сеанслар чоғидагина эмас, шу билан бирга ҳар куни кулиб туришга ўргатишдан иборат, деди Л. Льюнгдаль.

КАШАНДАЛАРГА ОГОҲЛАНТИРИШ

Ҳар йили бир миллиондан зиёд киши кашандалик келтириб чиқарувчи касалликлардан вафот этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ана шу мудҳиш маълумотларини мазкур ташкилотнинг вакили Гельмут Касдорф эълон қилди. Кашандалик барвақт қаришга олиб келишини, кўпгина оғир хасталикларга сабаб бўлишини ноботловчи аниқ далиллар бор, дейди у. Ўпка раки аниқланган беморларнинг 85 процентн кашандалар ёки тамаки тутуни билан нафас олишга мажбур бўлган кишилардир. Кашандаларнинг умр йўлдошлари ҳам ана шулар тонфасига киради. Кашандаларнинг умр йўлдошлари бошқа хотин-қизларга нисбатан кўпроқ нафас олиш йўллари хасталикларига чалинадилар.

Иш жойида тамаки чекиш билан асло чиқишиб бўлмайди, деб таъкидлайди олим. Бу билан кашанда ўз ҳамкасбларига ҳурматсизлигини намойиш этибгина қолмай уларнинг соғлигини хавф остида қолдиради.

МУЗЛИКЛАРДАГИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР

Ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун ўнлаб миллион тонна химикатлар ишлаб чиқарилади. Уларни қўлланиш ҳамиша ҳам зарарли оқибатларга олиб келмайдими?

Миланда ташкил этилган матбуот конференциясида Болонья университети ҳузуридаги онкология институтининг раҳбари Чезаре Мальтони ниҳоятда кўнгилсиз маълумотларни келтирди. Пестицидларнинг изларини, деб маълум қилди у, ерда, сувда ва инсон организмидаги мойлардагина эмас қишлоқ хўжалигидан ниҳоятда олисдаги Арктика ва Антарктида музликларида ҳам учратиш мумкин.

Календоскоп

МУНАВВАРДИР ДЎСТЛИКДАН ДИЛЛАР

Дўстлик бу — дил ришталарининг нурланиши, чор-атрофга ёруғ сочиб, кўнгилларини равшан қилиш истагининг амалга ошувидир. Сарзаминимизда бошланаётган Украина ССР адабиёти ва санъати кунларининг моҳияти ҳам шунда: кўнгилларга зиё сочиб, дил ришталарини янада мустаҳкамлаш, меҳр-оқибат туйғуларини янада кучайтиришдан иборатдир.

Ҳамшаҳарларимиз меҳмонларни нон-туз билан пешвоз олишмоқда. Бу ҳам дўстлик, қардошлик, қолаверса жондошликнинг азалий рамзидир.

Қуйида биз Украина адабиёти ва санъатига бағишланган материалларни оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Қардошлик алоқалари мустаҳкамланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Юрий Александрович, сиз илгари артист бўлгансиз, саҳна маҳоратидан дарс бергансиз, шу боисдан ҳам сизга театр мавзуни яқин, саҳна усталарининг алоқалари тўғрисида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Таржиман ҳолим кино билан ҳам боғлик. Аммо ижодий фаолиятимда саҳна санъати билан кино санъати бир-бирига туташиб кетади. Агар икки республика саҳна санъати усталарининг дўстлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада ҳақиқатан ҳам кўпгина муштарак ва қизиқарли мисоллар бор. Революциядан илгариги даврдаёқ, Тошкентдаги «Саҳна санъати ихлосмандлари жамияти» Украина классик драматургиясининг дурдонаси бўлган И. Котляревскийнинг «Полтавалик Наталка» асари, Самарқандда эса Т. Шевченконинг «Назар Стодоляси» саҳна юзини кўрди.

Бу саҳна санъати усталарининг самарали ҳамкорлигидан дарак берувчи дастлабки хабарлар эди. Уруш йиллари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида Иван Франко номли Киев театри, Тарас Шевченко номли Харьков театри, Октябрь Революцияси номли Одесса театри, Тарас Шевченко номли Днепропетровск театри, Харьков музикали комедия театри ишлади. Ўзбек томошабинлари машҳур Украин артистлари билан танишиб, уларни севиб қолдилар, бу санъаткорларнинг илҳомбахш ижоди ўзбек театрининг равнақ топишига баракали таъсир этди. Ўзбекистон томошабинлари И. Франконинг «Ўғирланган бахт», А. Корнейчукнинг «Богдан Хмельницкий», «Ҳақиқат» пьесалари асосида саҳналаштирилган ажойиб спектаклларни кўрдилар. Ана шу драматургнинг «Фронт» пьесаси К. Симоновнинг «Рус кишилари» асари сингари Тошкентда яратилган. Украиналик кўпгина саҳна усталари ўзбек театрларида постановкачи-режиссёр бўлиб ишладилар.

Ўз навбатида Ўзбекистоннинг атоқли артистлари ва ёзувчилари —Сора Эшонтўраева, Тамарахоним, Обид Жалилов, Ҳамид Олимжон ва ўзбек маданиятининг бошқа арбоблари билан бўлган учрашувлар украин саҳна усталарининг хотирасида ўчмас из қолдирган. Мукимий номли театрда киевлик ва тошкентлик артистлар ижросида, жумладан ўзбек тилида ўлмас «Полтавалик Наталка» асари яна саҳна юзини кўрди, Ҳамза номли театрда эса таниқли ўзбек драматурги Комил Яшиннинг Украина партизанлари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Ўлим босқинчиларга» пьесаси катта шуҳрат қозонди, А. Корнейчукнинг «Макар дубрава», А. Левраданинг «Фауст ва ўлим» спектакллари ҳам томошабинларга манзур бўлди. Т. Г. Шевченко номли Харьков театрининг раҳбари СССР халқ артисти М. Крушельницкий Фарғона театрида Я. Маматхонов ва С. Қосимовларнинг «Нодира» поэтик драмасини саҳнага қўйди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Франко номли театр коллективи катта ижодий ва жамоатчилик иши учун ўша йилларн Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлган эди. Наталя Ужвий, Гнат Юра, Амвросий Бучма шу улуғ мукофотга мушарраф бўлдилар. Дмитрий Милютенко, Александр Юра-Юрский, Евгений Пономаренкога Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони берилди.

Урушдан кейинги йилларда ўзбек театрларида А. Коломиец, Н. Зарудний асарлари, А. Довженко, В. Собко, В. Минко, Я. Галан пьесалари саҳналаштирилди. Бизнинг бир қанча театрларимиз томошабинларн Абдулла Қаҳхорнинг «Шоҳи сўзана» пьесаси билан таништирди.

Кино ходимлари ўртасидаги икки томонлама алоқаларга келганда шуни айтиш керакки, бу алоқалар анча олдин —30-йилларда тарқиб топди ва тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Адабиёт ва санъат кунлари доирасида бўладиган Украина фильмлари фестивалида биз ўзимизнинг энг яхши асарларимизни кўрсатамиз. Кино байрамида томошабинлар билан учрашамиз, кўп нарсаларни эслаймиз, ўз режаларимиз ҳақида гапириб берамиз. Қизиқарли бўлган бир қанча рақамларни айтиб ўтмоқчиман: Украина фильмлар фондида ва кино прокатида 5812 та бадиий, 4370 та қисқа метражли ва мультипликацион, шунингдек Ўзбекистон ССР ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясида яратилган 2389 фильм нусхалари бор.

— Маданиятнинг бошқа соҳаларида ҳам ана шундай чуқур ва конкрет алоқалар бордир!

— Албатта шундай. Масалан, композиторларнинг ижодий алоқаларини олайлик. Украин совет музикасининг классиги, академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Н. Ревуцкий бу соҳада кашшоф бўлганлигини айтиб ўтиш керак. У Ўзбекистон миллий композиторлар союзининг таркиб топишига кўп жиҳатдан ёрдамлашди. Бир вақтлар унинг композиция классида машҳур музика арбобларидан Акбаров, Қодиров, Ҳамроев ва бошқалар таълим олган эдилар. Интернационал ўзаро таъсир анъаналари давом этмоқда, бу анъаналарнинг янги формалари вужудга келмоқда. Қардош республикада А. Штогаренко, О. Сандлер, В. Кирейко, Е. Станкович, М. Сокрик сингари Украина композиторлари, кўплаб ёш ижодкорлар бир неча бор бўлишган. Самарқандлик Ф. Ёқубжонов дирижёримиз С. Турчак ҳузурида тажрибасини бойитди. Украина шеъриятн, айниқса фольклор поэзияси Ўзбекистон композиторларига яқиндир.

Концерт фаолиятидаги алоқалар ҳам мунтазам ривожланиб бормоқда. Ўзбекистондаги кўпгина ижрочи коллективлар ўз репертуарларига украин миллий санъатининг асарларини киритмоқдалар. Масалан, Волинь халқ хори ҳамда Гуцуль ашула ва рақс ансамбли Тошкент ва Самарқандда концертлар берди. Ўзбекистонлик ижрочи группалар ва ансамбллар Киев, Херсон, Одесса, Львов, Каховка ва Чернобилда ўз санъатларини намойиш этдилар.

Рассомларнинг кўп йиллик алоқалари янада мустаҳкам ва самарали бўлиб бормоқда. Днепр соҳилида туғилиб вояга етган машҳур украин рассомларининг кўпчилиги Самарқандда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида яшадилар, булар орасида Украина бадиий мактабининг классиги В. И. Касиян ҳам бор. Кўчма кўргазмалар ташкил этиш ва кўргазмалар айрибошлаш, ижодий группаларнинг ишида қатнашиш, ижодий сафарлар яхши анъана бўлиб қолди. Иккала республика адибларн ва ноширларининг алоқалари анча активлашди. Улар ўзаро самарали мулоқотининг актив формалари орасида ўзаро делегациялар айри бошлаш, икки томонлама қилинаётган таржималар, биргаликда пленумлар, конференциялар ўтказиш, шахсий алоқалар, етилган масалаларни муҳокама этиш ҳамда ҳамжиҳатликни бойитадиган бошқа тадбирлар бор.

Ҳалқ амалий санъатининг усталари кўпгина муштарак вазифаларни ҳал этмоқдалар, булар орасида аввало халқ ҳунармандчилигини асраш, тиклаш ва ривожлантириш масалалари бор. Дўстларимиз — маданий-маърифий муассасалар ходимларининг Украина республикасида янги анъаналар ва расм-русумларни жорий этиш тажрибасига қизиқиб қараётганликларини айтиб ўтса бўлади. Иккала республика кутубхоналари ўртасидаги алоқалар 40 йилдан бери ривожланиб келмоқда. Масалан, ўзбек дўстларимиз жуда катта қизиқиш уйғотаётган 500 нусха китобни Киевдаги халқлар дўстлиги кутубхонасига армуғон этдилар. Ўзбекистонлик дўстларимиз киевликлардан саноат корхоналари ва хўжаликларига оталиқ қилиш ва ижодий ҳамдўстлик шартномалари тузиш тажрибасини ўргандилар.

— Маданият соҳасидаги муваффақиятларга бу соҳанинг моддий базасини муттасил бойитмай туриб эришиб бўлмаслиги равшан, албатта.

— Ҳа, ҳақиқатан шундай. Совет ҳокимияти йилларида Украина ССРда жуда катта маданий потенциал вужудга келтирилди. Эндиликда республикада 26 минг маданият саройи ва клуби, худди шунча оммавий кутубхона, 176 та давлат ва 6 минтга яқин халқ музейи, 88 та профессионал театр бор. 280 мингдан кўпроқ бадиий ҳаваскорлик коллективларида саккиз миллион киши ўз истеъдодини намоён этмоқда.

10 та олий ўқув юрти, 70 та билим юртида маданият ва санъат соҳалари учун мутахассислар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, болаларнинг бир ярим мингга яқин музикали бадиий, хореография ва санъат мактаблари ишлаб турибди, буларда 300 минг бола таълим олмоқда. Яна базъи қизиқарли фактларни айтиб ўтмоқчиман: ҳар йили республикада 75 мингдан кўпроқ концерт бўлади, бу концертларни 22 миллион киши томоша қиладн.

Украина меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг маданият моддий базасини янада кўпайтириш, мамлакатда маданият фондини бунёд этиш тўғрисидаги қарорини катта маъноният билан кутиб олдилар. Ўн иккинчи беш йилликда Украинада яна 40 та район маданият уйи, 540 тадан кўпроқ клуб, 50 та кинотеатр қурилиши мўлжалланмоқда. Шундай қилиб шаҳарлар, район марказлари, ишчи посёлкалари ва йирик қишлоқларда маданий-спорт комплекслари бунёд этиш асосан ниҳоясига етказилади. Бунинг шарофати билан маданият жабҳасидаги ходимлар замонавий талаблар даражасида меҳнат қиладилар, қардошларча ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланади ва кенгаяди.

Ўзбекларда «ҳашар» деган ажойиб сўз бор. Украина ва Ўзбекистон маданияти ва санъати арбоблари ҳашар сўзи янги мазмун касб этмоғи учун, дўстлигимиз чаманзори яшнаши учун, янги ҳур, озод онлада қардош халқларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун катта иш қилдилар.



СУРАТДА: Украина ССР адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчилари — республика Маданият министрлиги Тасвирий санъат выставкалари бош бошқармасининг бир группа санъатшунослари: В. Тимченко, Л. Мельник, Е. Скрида ва Э. Мишченко.

М. Нуриддинов фотоси.

ЛЬВОВЛИК УЧ МЎЙҚАЛАМ СОҲИБИ

Биз бугунги кунда Украина тасвирий санъатини ўзларининг ранг-баранг ижодий кашфиётлари билан бойитаётган, украин миллий тасвирий санъатини теран ва кўламли санъат асарлари билан мустаҳкамлаётган львовлик уч мусаввир ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Любомир Медвидь украин тасвирий санъатида тарихий фалсафий ва чуқур психологик картиналар муаллифи сифатида ниҳоятда машҳур. Л. Медвидь ижоди кўпқиррали. У украин халқининг қадимий анъаналари, миллий урф-одатлари, халқ қаҳрамонлари ва тарихий шахслар ҳақида кўплаб асарлари билан Бутуниттифоқ миқёсида танилди. Рассомнинг «Тарас Шевченко Орлода» (1985) картинаси, айниқса, диққатга сазовор. Картинада сарсон-саргардонликдаги шоир хаёл оғушида акс эттирилган.

Л. Медвидь асарларига хос жиҳатлардан яна бири шундаки, рассом тарихий шахсларга мурожаат қиларкан, уларнинг теран руҳий оламн, фикрий қуввати, қатъий улуғворлик акс этган ботинний ва зоҳирий ҳолатини моҳирона ифода этади. Бу ўринда рассомнинг «Лев Толстой» (1980) картинасини эслаш жоиздир. Толстойнинг тиккa боққан кўзларида геннал ёзувчига умуман хос бўлган ғурур ва ишончи ёрқин ифода этилган.

Львовлик яна бир рассом Зиновий Флинтадир. У 1965 йил Львов халқ амалий декоратив санъати институтини тамомлагач ўзини бутунлай рангтасвир оламига бахш этди. Унинг ижоди, асосан, портрет-картина, пейзаж-картина, натюрморт-картина жанрларида ривожланди. Флинтанинг «Ҳайкалтарош Эммануил Мисько» (1984), «Баландлик қўрғонига йўл» (1979), «Композитор Станислав Людкевич» каби асарлари унинг энг сара ижодий ютуғидир.

Украин тасвирий санъатининг яна бир таниқли намояндаси Олег Минькодир. Миньконинг ранглари оддий ва осойишталдир. У кўпроқ денгиз пейзажи устида ишлайди. Бу пейзажларда сув, ҳаво ва осмон ранглари уйғунлик касб этиб, ажиб муштардклик ҳосил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, львовлик уч мўйқалам устаси Л. Медвидь, З. Флинта ва О. Минько ижоди миллий хусусиятига кўра украин тасвирий санъатининг улкан ютуғидир.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

ДАРДДОШЛИК

Иван ДРАЧга

Узга тил, ўзга урф, ўзга анъана,
Ўзга табиатли халқлар ўғлимиз.
Ягона қисматнинг ҳукми-ла яна,
Нечанчи бор ёндош тушди йўлкмиз.

Олис Скопьенинг тош кўчаларн,
Шаҳроҳ Хрешатик, Чорсу, Регистон,
Тюменнинг, Неванинг оқ кечаларн,
Тонготар суҳбатлар... эсла, қадрдон.

Бир-бировга очдик дил сирмизни,
Баҳсларга ҳеч замон нуқта қўймадик.
Йирокда соғиндик бир-бирмизни,
Дийдор кўришганда сира тўймадик.

Бизни ошно этган қалбдир шеърпараст.
Элликда кўнгилдан кетмаган ёшлик.
Алвонга ёзилган шоирлар эмас,
Юракка битилган буюк дарддошлик.

Етти ёшда эдик қирқ учинчи йил,
Биринчи синфга қўйгандик қадам.
Она дйёрнигнн маҳв этган қотил
Уқндан Киевда йиқилди отам.

У пайт биз оч, юпун, кўзимиз дардлик,
Гўдак армонимиз, ўйимиз билан
Бошоқ териб, пахта чопиқ қилардик
Кетмонга етмаган бўйимиз билан.

Уша пок болалик кетди қайларга!..
Эй, сен, битилмаган ўлмас достонним —
Малласоч, мовий кўз болакайларга
Она бўлган меннинг Ўзбекистонним.

Йиллар ўтди, бизлар улғайган каби
Улғайди ёнма-ён бизнинг қардошлик.
Тошкент фалокати,Чернобиль ғамн,
Кўнглимизга солди яна дарддошлик.

Оламда не қудрат бордир аслида
Эллар бирлигидан кўра кучлироқ.
Унга битсам дейман улуғ қасида,
Баландпарвоз гапдан қўрқаман бироқ.

Қўрқаман, оталар ёдн бор қутлуғ,
Мен не табаррук сўз қилардим тортиқ.
Миллионлар қалбига муҳрланган руҳ,
Қон билан битилган меҳрдан ортиқ.

Азизим, шоирсан, булар барчаси
Мендан кўра кўпроқ ўзинигга аён.
Шоир — ўз халқининг юрак парчаси,
Йўқ, у юрак бўлиб туғилган ксён.

Жон ришгамиз замин тубида боғлиқ,
Мовий кўзларингда ошкора кўрдим:
Ўзбекистон — сенинг кўксингда оғриқ,
Украина — менинг жафокаш юртим.

Қанча ардоқласам ўрмонларингни
Гулшан боғларимни шундай суярсан.
Англайман дилдаги армонларингни,
Тупроғим дарднга сен ҳам куярсан.

Она тилинг учун ғам чекиб дилда,
Нола қилсанг кўкка етар фарёдим.
Етмиш еттн пуштим сўзлаган тилда
Сўзларимкан яна еттн авлодим.

Мен Киевга учсам йўлимда бесас,
Орол кўзгусида жимирлар қуёш.
У Шевченко кўрган мавжли денгизмас,
У зор қўбузчининг кўзидаги ёш.

Ҳаёт бешафқатдир, вақт эса қаттол,
Табиатга ўтмас зулму даъволар.
Бизлан мерос қолар наҳотки беҳол
Нашаванд далалар, сувсиз дарёлар.

Йўқ! Ҳеч ишонмайман! Имон бор! Халқ бор.
Метин иродалик ва олтин бошлиқ.
Қардошлик сиқдки бор мангу устивор,
Бор азалу абад бизнинг дарддошлик.

Русмиз, молдованмиз — замнинмиз бир,
Ҳиндумиз, испанмиз — бнтгадир ҳаёт.
Киприкда томчидек қалқиб турган Ер
Бу кун сену мендан кутмоқда нажот,

Насибамиз шудир, қисмат йўқ бўлак,
Чигал, таҳлнкалик замонамизда —
Бу дардли дунёнинг куйчиси бўлмак
Бор экан, азизим, пешонамизда.

Куйимизни куйлаб, созимиз чалиб,
Утармиз, қолажак курран азнм.
Биз бир туп каштану мажнунтол бўлиб,
Боқий дарддошликка қилармиз таъзим.

Степан ОЛЕЙНИК.

Шоира холага мактуб

Салом хола! Мен ва бизнинг синфимиз
Сиздан эшитайлик икки оғиз сўз:
Қачонгача хола, болалар шеърда
Ҳамма ҳайвонларни қийнайсиз жуда!
Китобдан китобга ўтади қўён,
Қўққисдан дирриллаб боқади ҳар ён.
Хола! Бизнинг унга раҳмимиз келар,
Қуёнлар тинмасдан югуриб елар.
Китобнигиз чиққан — бир йил бўлган йўқ.
Варақдан варақка мнёвлар мушук.
Баъзан ит югурар дарё, ўрмонга,
Қувлагансиз, жуни тушган ҳар ёнга.
Эчкиларнинг ҳоли китобда ёмон:
Неча бор бўрилар қилишган қурбон.
Қанча бузоқларни ўтлоқ томондан —
Китобга ҳайдаб...
Бошқалар бир ёндан
Худди шу мушукни ва шу қуённи
Юзлаб шоир қувлаб, азоблар жонни —
Тортар қулоғидан, оёқ, думидан...
Қийналар қуёнлар, мушук бағри қон!
Кимнинг асарида ҳайвон бўлса кам,
Қушларнинг патини юлади у ҳам.

Ҳар бир мисрасида шундай сўз учар:
Қў-қў-қў, чирқ-чирқ-чирқ, қар-қар-қар...
Ҳар бетда сакрашар жонворнинг кўпи.
Тулкилар шум қарар, ғижинар киргпи.
Ўн йиллаб шоирлар ўрмонда балки,
Ҳайвонлар нчида бўлганми, ёки!..
Ана, борар сичқон-мушук ўйини...
Китобдан ўқийлик ҳаёт куйини!
Ҳайвонларни яхши кўрсакда бироқ
Одамлар ҳақида билайлик кўпроқ.
Хола, тўғрисини айтганда ҳозир
Биз ҳақда кўп китоб ёзсангиз арзир.

* * *

Нега деиг!
Қўшпламан бунга томоман,
Элу-халқ ҳақида кам ёзсак ёмон.
Болалар шеърида қилишиб «вяз-вяз»
Одам ўрнин босар пашша ва қўнғиз.
Энди лозим шахтёр, матросни куйлаш,
Етар, сатрларда капалак қувлаш!
Шоирлар тузнигиз ижодий план!
Дўстлик саломи-ла

Русчадан Қамбар УТАЕВ таржимаси.

Украин фильмлари

«Чернобиль: машаққатли ҳафталар хроникаси»

Чернобиль АЭСида содир бўлган даҳшатли ҳалокат тўғрисида совет ва чет эл матбуотида саноқсиз мақолалар ёзилди. Телевидение ва радиода ҳам бу мавзуга кўп мурожаат этишди. Айни пайтда қатор ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинолентлар ҳам яратилди. Украин кинохужжатчилари томонидан ишланган мазкур фильм эса юз берган фалокат оқибатларини қандай бартараф қилинганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Картинада автор текстини И. Малишевский ўқийди. Сценарий автори ва режиссёр В. Шевченко. Операторлар — В. Крипченко, В. Таранченко, В. Шевченко.

Украин ерида содир бўлган даҳшатли фалокатдан сўнг, мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан бу ерга телеграмма ва хатлар ёғилиб кетди. **«Мен бульдозерчиман. Авария оқибатларини тугатишда ёрдам беришни истайман»**, — деб ёзган эди Сахалинскдан Николай Кантарёв. Орадан беш кун ўтгач, у станция майдонида бульдозерни радио орқали бошқаради. Фильмда Николай сингари бир неча қаҳрамонлар ҳақидагина ҳикоя қилинган, ҳалос. Ваҳоланки, бундай қаҳрамонлар кўп эди.



«Ёлғиз аёл танишмоқчи»

Одесса киностудиясида оператор Василий Туршковски суратга олган мазкур бадиий фильм қаҳрамони — зи кимсалар учун бу воқеа огоҳлантириш бўлди.

Шу йил Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган XX Бутуниттифоқ кинофестивалда «Чернобиль, машаққатли ҳафталар хроникаси» фильми кинотанқидчилар эътиборига сазовор бўлди. Картина режиссёри В. Шевченко республикалар ижодий союзларининг «Фидокорлиги учун» деган соврин билан тақдирланди.

тўқувчи Клавдия Почукаева «Ёлғиз аёл танишмоқчи...» деган сўзлар билан бошланувчи эълонларни шаҳардаги бир неча жойга ёпиштириб чиқарди. Чунки бу хил эълонлар чиқариладиган газета шаҳарда ҳали йўқ эди. Бўлажак бека Клавдия (актриса Ирина Купченко) ўзининг чақиришига жавоб қайтарувчи дарров топилади, деб ўйламаганди. Аммо эълон ёпиштирилган кунинг биринчи оқшомидаёқ унинг эшигини бир киши тақиллатади. Бу одам кўринишидан ёши ҳам номаълум, ландавур, доимий ичкиликбозлик оқибатида хароб бўлган эди. Буни кўргач, Клавдиянинг қалбида афсуснадомат, уят, ўз-ўзига ачиниш туйғулари алангаланди. У «куёв»ни қолдирганча, тақдирига тан бериб бахтиқаро эълонларини йиртиб ташлаш учун ташқарига отилди.

... Клавдия ҳаётда кўп томондан омади юришган эди. Ўз касбини (модалар уйида тикувчи) севади, қулай квартираси бор. Валентин (актёр Александр Збруев) бўлса — омадсиз. У қачонлардир машҳур цирк артисти эди. Ҳаётида фалокат юз бериб, ногирон бўлиб, натижада севимли ишини удда қилолмай қолади. Бундан тушкунликка тушган Валентин ичкиликка ружу қўяди. Оқибатда, оиласидан ҳам, дўстларидан ҳам ажралади. Аммо у аввал қандай оққўнгил инсон бўлса, шундайлигича қолади. У чин дилдан бошқача ҳаёт кечиришни, ачинарли аҳволдан қутулишни истар, аммо унга озгина мадад керак эди, холос.

Эҳтимол, ҳалоскорига унинг орзуси рўёбга чиқиши учун бутун умрини сарфлашга тўғри келар. Шунда ҳам ҳаммаси муваффақиятли тугашига ишонч йўқ. Бундан ташқари, Клавдия ўз тақдирини Валентин билан боғлаши учун одатдаги турмушидан воз кечиши керак. Ҳаётга ўзгача кўз билан қараши, унга раҳмшафқат қиладиган киши йўқлигини, аксинча, унинг ўзи Валентинга бор кучини, имкониятини сафрлаб, оёққа туриши учун қўлдан келганча ҳаракат қилиши даркор бўлади. Булар аёлга керакми? Қолаверса, бунга қодирми у?

Фильм воқеалари давомида қаҳрамонимиз мана шулар ҳақида ўйлаб неча бор иккиланарди. Шунга қарамай, картина ниҳоясида у Валентинни, ўша ўзи уйдан ҳайдаб чиқарган кўримсиз шахсни қидиради..

Мазкур фильм режиссёри Вячеслав Криштофович 1971 йили Киев театр санъати институтини тамомлаган. Шундан сўнг у телевидениеда ишлаб, бир қатор фильмларни суратга олган. Мазкур картина эса унинг катта кинодаги биринчи ишидир. Картина сценарийси драматург Виктор Мережко қаламига мансуб.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТДА: «Ёлғиз аёл танишмоқчи» фильмдан кадр.

ЯХШИ ДАМ ОЛИНГ

ҚАНОТЛИ ҚЎШИҚЛАР

Бугун

серқуёш днёрнмизда Украина ССР адабнёт ва санъатн кунларн бошланнши муносабатн билан В. И. Ленин номндагн СССР халқларн дўстлнгн саройнда тантаналн мароснм ўтказнлдн.

Соат 19 дан 30 минут ўтганда бўладиган бу тадбирда қардошларимиз диёридан келган кўзга кўринган санъаткорлар қатнашадилар. Бу концертда П. Вирский номидаги Украина ССРда хизмат кўрсатган давлат академик ансамбли, Киев давлат филармониясининг халқ чолғу асбоблари ансамбли, Г. Веревка номидаги республикада хизмат кўрсатган академик халқ хори, «Калина» фольклор-этнографик ансамбли, Украина ССР давлат эстрада-симфоник оркестри ва бошқа бир қатор коллективлар қатнашадилар.

Дўстлик кунларининг қатнашчилари эртага республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларига уч хил маршрут бўйлаб сафарга чиқадилар. Бир қатор санъат коллективлари эса Тошкент шаҳри томошабинлари хизматида бўлишади.

3, 4, 5 октябрь кунлари В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи украин қўшиқлари намойиши масканига айланади. Бу ерда Украина ССР ва Молдавия ССР халқ артисти София Ротару иштирокида концертлар бўлади. Истеъдодли санъаткорнинг Тошкентдаги концертида «Червона Рута» ансамбли ҳам-роҳлик қилади.

Қардош Украинанинг яна бир санъат устаси, СССР халқ артисти А. Соловьяненко қўшиқлари совет томошабинларига жуда яхши таниш. Бу санъаткор «Баҳор» концерт залида маҳоратини намойиш этади. Киев давлат филармониясининг «Рапсодия» ансамбли унга жўр бўлади.

Украин дўстларимизнинг қардошлик кунлари муносабати билан пойтахтимиз кинотеатрларида 8 октябргача украин фильмлари фестивали бўлиб ўтади. Бу тадбирни ўтказиш учун шаҳримизнинг «Санъат саройи», «Искра» кинотеатри сингари кошоналари ажратилган.

ТОШКЕНТ КУЗИ

Тошкент шаҳар «Билим» жамиятининг «Билимлар уйи» 3 октябрь соат 18 да, 4 октябрь соат 17 ва 19 дан 30 минут ўтганда «Тошкент кузи» муаллифлик қўшиқлари кунини ўтказади. Бу ерда ташкил этилган «Орфей» клуби қўшиқ ижодкорларини даврага чорлаб ибратли иш қилмоқда. Бу клубнинг шу кунги тадбирида Москва, Ленинград, Қозон, Челябинск, Куйбишев шаҳарларидан келган ижрочилар қатнашадилар.

Бундан ташқари 3 октябрь куни бу ерда яна бир қизиқарли тадбир ўтказилади. Соат 19 да бўладиган суҳбат «Онлада психологик иқлим» деб аталган.

САЁҲАТ ЗАВҚИ

Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг ишчилари эртанги шанба ва якшанба дам олиш кунларини Кўқон ва Ҳамза-обод шаҳарларида ўтказадилар. Ишчилар тушган туристик автобуслар сафарга жўнаб кетди.

Шаҳримиздаги 14-автомобиль ремонти заводи ва авиация бўлинмасининг ишчилари талаби ҳам бажо келтирилди. Улар Ўратепа ва Ленинобод шаҳарларининг тарихий ёдгорликлари ва бугунги жўшқин ҳаёти билан танишадилар.

Собир Раҳимов районн маориф ходимлари касаба союз комитети педагогларга муносиб ғамхўрлик кўрсатди. Улар ўзларининг байрами — ўқитувчилар кунн арафасида Фарғона ва Ҳамзаобод шаҳарлари бўйлаб сафарга чиқдилар.

Сергели районн соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари эса саёҳатни Конибодом ва Исфара шаҳарлари бўйлаб ўтказишади.

Шаҳримиздаги релье ва автоматика заводининг ишчилари гўзал Наманган шаҳри бўйлаб сайр этиш истагини билдиришди.

«Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг ишчилари кўпдан буён Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига борнш орзусида эдилар. Бу ният амалга ошди. Ўттиз кишидан иборат ишчи ва хизматчи тушган автобус ана шу маршрут бўйлаб жўнаб кетди. Паркентдаги тикув фабрикасининг чеварлари ҳам ана шу маршрутнинг саёҳатчиларидир.

А. ПУЛАТОВ.

МУЗИКАШУНОСЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ



Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова бадиий раҳбарлигидаги Зебо Ғаниева номидаги ўзбек қизлар ансамбли шаҳримизнинг турли муассасаларида ва корхоналарида концертлар бермоқда. Бу коллективнинг томошабинлар билан ҳар бир учрашуви қизиқарли ўтади. «Чевар» ншлаб чиқариш бирлашмасида бўлган тадбирларда Ўзбекистон ССР халқ артисти, ансамбль ижрочиси Яйра Абдуллаева ёшларга фронт хотираларини сўзлаб берди.

Т. Каримов фотоси.

Эртага Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг халқаро музикашунослар совети, СССР ва Ўзбекистон Композиторлар союзлари йўли билан халқаро музикашуносларнинг учинчи симпозиуми бошланади. Олти кун давом этадиган мазкур анжуманда СССР ва 30 хорижий давлатдан келган 500 дан ортиқ музика санъати намояндалари иштирок этади. Бу анжуманнинг ташкилий комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари М. М. Тожиев қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Мирсодиқ Маҳмудович, Самарқандда учинчи марта ўтказилаётган бу халқаро симпознум аввалгисидан қай жиҳати билан фарқ қилади?

— Аввалги бўлиб ўтган симпозиумлардан фарқи шуки, бу музика кенгашида асосий диққат-эътибор анъанавий музика жанрларининг замонавийлигига қаратилган. Ёш ижрочиларнинг яқин ва Ўрта Шарқ миллий услубидаги музикаларни ижро этиш маҳоратини жалб этиш, халқ музикасининг бой меросига асосланиб янги асарлар яратиш масалалари симпозиумда кўриб чиқилади. Шунингдек Шарқ халқларининг музика мероси бойликлари кенг пропаганда қилинади. Яқин ва Ўрта Шарқ музикашуносларининг ижодий кучини бирлаштириб, музикашунослар олдида турган, ҳали ҳал этилмаган масалалар ҳақида фикрлашилади. Турли ижодий мунозаралар, суҳбатлар тингланади.

— Ташкилий ишлар, концертлар, ижодий учрашувлар ҳамда уларнинг иштирокчилари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Симпозиум Акмал Икромов номли Ўзбекистон ССР Давлат санъат ва маданият тарихи музейида очилади. Унда иттифоқимизнинг Москва, Ленинград шаҳарлари, Озарбайжон, Арманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Грузия республикалари ҳамда Туркия, Афғонистон, Миср Араб Республикаси, Сурия, Ливан, Тунис, Жазоир, Марокаш, Судан, Ливия, Иордания, Яман Халқ Демократик Республикаси, Ироқ, Покистон, Ҳиндистон, Буюк Британия, Ғарбий Берлин, Франция, АҚШ, Венгрия, ГДР, Польша, ЧССР, ЮСФР, Вьетнам, Монголия, КХДР каби хорижий давлатлардан келган 500 музика санъати вакили қатнашади.

Ўзбек композиторларидан Мутал Бурхонов, Мустафо Бафоев, Тўлқин Қурбонов, Рустам Абдуллаев қатнашадилар. Уларнинг музикали асарлари ва операларидан ариялар ижро этилади. Шунингдек Ўзбекистон радиоси мақомчилар ансамбли, Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси Шарқ музикаси кафедрасининг хонанда ва созанда студентлари, Ўзбекистон Давлат концерт филармония бирлашмасининг симфоник ҳамда Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг Эльдор Азимов раҳбарлигидаги камер оркестрлари ва бошқа кўпгина санъаткорлар иштирок этиб, ўзбек композиторларининг асарларидан иборат концерт кўрсатадилар.

Симпозиумнинг сўнгги куни Шердор мадрасасида намойиш этиладиган концертда «Сегоҳ»нинг бўлимлари — Бухоро Шашмақомидан: таснифи сегоҳ, гардуни сегоҳ, сақили сегоҳ Абдураҳим Ҳамидов раҳбарлигидаги Тошкент Давлат консерваториясининг шарқ музика бўлими мақомчилар ансамбли ижросида янграйди. Шунингдек, хонандалар Муножат Йўлчиева, Насиба Сатторова, Майсара Имомова ва Раҳматжон Қурбоновлар ижросида Сегоҳнинг шуъбалари куйланади.

Б. РАСУЛОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 2/X да ва 3/X да **Иоланта.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА— 2/X да **Ана ёлғиз ўғлини ўлимга кўра,** (19.00), 3/X да

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ ТЕАТРИДА — 2/X да **совчилар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШЛИК» ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/X да **Чернобыль** ва 3/X да **Узоқ қишлоқ.**

Кино

2 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — УКРАИНА ФИЛЬМЛАРИ ДЕКАДАСИ (та ва кичик зал).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЮРАГИМДА ҚОЛГАН ГУЛ» (17, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЧАККИГА ДАРАХТ» (16, 18.30, 21.00).

Искра — «КЎЗ ЕШЛАРИ ТЕГМАСИН» (ЛИДАГИ ИККИ КИШИ» (17, 20.00).

Дружба — «БЎЙСУНМАС МАРКИЗА» (17, 18, 20, 21).

Нукус — «ЗОРРО» (16, 18, 20.45).

3 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — УКРАИНА ФИЛЬМЛАРИ ДЕКАДАСИ (та ва кичик зал).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЮРАГИМДА ҚОЛГАН ГУЛ» (17, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЧАККИГА ДАРАХТ» (16, 18.30, 21.00).

Искра — «КЎЗ ЕШЛАРИ ТЕГМАСИН» (ОРОЛИДАГИ ИККИ КИШИ» (17, 18.30, 20.00).

Дружба — «БЎЙСУНМАС МАРКИЗА» (17, 18, 20, 21).

Нукус — «ЗОРРО» (16, 18, 20.45).

АВТОМАТ ЖАВОБ БЕРАДИ

ТЕЛЕФОНЛАР

Санъат саройи 44-21-34, 44-21-74.

Ватан — 74-30-38.

Чайка — 77-06-20.

Москва — 33-05-01.

Тошкент Советининг 50 йиллиги — 77-47-25.

Восток — 91-14-61.

Лисунов номли — 96-52.

Искра — 39-14-59.

Нукус — 46-46-55.

Дружба — 67-96-87.

ВЛКСМ 30 йиллиги — 52.

Шаҳар кинотеатрида кўрсатиш маданиятини тириш юзасидан тақлиф истаклар билан Тошкент ҳар ижроия комитети лаштириш бошқармаси 37-11 телефон номери мурожаат қилинсин.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

3 ОКТЯБРЬ СОАТ 17 да СССР биринчилиги учун

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — АСК «КАРПАТИ» (Луцк)

1 лига командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Коллектив заявкалар бул қилинади. Телефон 30-23.

ҲУРМАТЛИ КИНО МУХЛИСЛАРИ

Ўзбекистон ССРда Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари доирасида

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИДА УКРАИНА КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИ ҚЎЛГАН ФИЛЬМЛАРНИНГ ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Фестиваль 2 октябрь куни 18.00 да Санъат саройи тантанали равишда очилади.

ФЕСТИВАЛГА МАРКАЗИЙ

10 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ҲАР ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ **СОАТ 6 ДАН 13.00 ГАЧА** ТОШКЕНТДАГИ РЕСПУБЛИКА ОТКРЫТКАЛАРИНИНГ ЎЧИҚ МИНЕРАЛ ЛАРИ ЁНИДА ХУСУСИЙ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИШ УЧУН МАХСУС ТУРЖОЙ АЖРАТИЛГАН.

Машиналар отчолар тор ториясига «БАҲОР» мактаомлар кафеси қаршисидан ҳалқа йўл томонидан рилади.

Автомашиналар сав юзасидан жой берил учун — 1 сўм ҳақ тўл ди.

Сотилган автомобил белгиланган тартибга комиссион магазин орқ расмийлаштирилади.

«Ташплодоовощторг» бирлашмасининг Киров он улгуржи-чакана мева-завот комбинатига тегиш йўқолган

«ЭКСПЕДИТОР-2» ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташглавунивермаг» целяриясининг йўқолган ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

2 октябрда — ЖИЗЕЛЬ.

3 октябрда — ИОЛАНТА.

4 октябрда — ФИРИБГАРНИНГ НАЙРАНГЛАРИ (12.00), **РИГОЛЕТТО** (19.00).

6 октябрда — ОЛОВЛИ ФАРИШТА.

7 октябрда — КОНЦЕРТ.

8 октябрда — ПЕТР БИРИНЧИ.

9 октябрда — ТЎМАРИС.

10 октябрда — ФЛОРИЯ ТОСКА.

11 октябрда —АЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), **ҚУЁШГА ТАЪЗИМ ҚИЛ** (19.00).

13 октябрда — БЎРОН.

14 октябрда — РУСТАМ ҲАҚИДА ДОСТОН.

15 октябрда — ОТЕЛЛО.

16 октябрда — РАЙМОНДА.

17 октябрда — ФАУСТ.

18 октябрда — ГЎЗАЛ ВАСИЛИСА (12.00), **МАСХАРАБОЗЛАР** (19.00).

20 октябрда — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.

21 октябрда — ОҚҚУШ ҚЎЛИ.

22 октябрда — АИДА.

24 октябрда — ЧИО-ЧИОСАН.

25 октябрда — КОППЕЛИЯ (12.00), **АННА КАРЕНИНА** (19.00).

27 октябрда — МАЙСАРАНИНГ ИШИ.

28 октябрда — КОРСАР.

29 октябрда — ДОН КАРЛОС.

30 октябрда — СПАРТАК.

31 октябрда — КАРМЕН.

Билетлар соат 10 дан 20.00 гача театр кассасида сотилади.

Справкалар учун телефонлар: 33-90-81, 33-18-47.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«А» класси 3 зонаси 2-лига командалари ўртасида

ХОККЕЙ

3-4 октябрда

«БИНОКОР» (Тошкент) — «ЛУЧ» (Свердловск).

7-8 октябрда

«БИНОКОР» (Тошкент) — «СПУТНИК» (Нижний Тагил).

25-26 октябрда

«БИНОКОР» (Тошкент) — «РУБИН» (Тюмень).

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, иш кунлари 18.30 да бошланади.

Танаффус вақтида спорт-буюм лотереяси тиражи ўйналади. Тиражда мотоциклар, мопедлар, велосипедлар, телевизорлар, магнитофонлар, чинни ва бошқа турли спорт тренажерлари ўйналади.

Спорт-буюм лотереяси билетлари кириш билетлари билан бирга «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт зали кассаларида сотилади.


Справкалар учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77, администратор: 46-03-12, 46-70-31 — касса.

ШАҲАР ВОДОПРОВОДИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯСИ АБОНЕНТЛАРИ, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Водопровод ва канализация тармоқлари ва иншоотларидан

маҳаллий саноат ва коммунал хўжалиги ишчилари касаба союзи Марказий Комитети Президиуми тасдиқлаган

ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТГАН ҲОЛДА ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР.



Қўчалардаги водопровод ва канализация қудуқлари қопқоқларини очиш ва уларга тушиш («Водоканал» трестининг водопровод ва канализация тармоқлари ходимларидан ташқари) барча чет кишиларга

ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ

ВОДОПРОВОД ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ҚУДУҚЛАРИДА ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ЗАҲАРЛИ ГАЗЛАР МАВЖУД.

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИНИНГ ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИ БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СЕРГЕЛИ РАЙОН МЕБЕЛЬ САНОАТИ КОРХОНАСИГА:

станокчилар, прессловчилар, пардозловчилар.

ҲАМЗА РАЙОН САВДО КОРХОНАСИГА:

мастерлар, муз қаймоқларни жойлаштирувчилар, вафельчи-нонвойлар, электр монтерлар, созловчи слесарлар, электрокара ҳайдовчилари, таъминот бўлими бошлиғи, асбоб-ускуналар бўйича катта инженер, бухгалтерлар.

93-ИХТИСОСЛАШГАН ТРЕСТ БЎЛИНМАСИГА:

«С», «Е» категориядаги ҳайдовчилар, МК-16 автокранларининг машинистлари.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН АВТОДОРМЕХБАЗАСИГА:

ҳайдовчилар, юк ташувчилар, автослесарлар, экономист, секретарь-машинистка.

ТОШКЕНТ АСБОБСОЗЛИК ЗАВОДИГА:

инженер-конструкторлар, участкаларнинг мастерлари.

КИРОВ РАЙОН АЛОҚА ТАШКИЛОТИГА:

почта ташувчи почтальонлар, сараловчилар, дурадгорлар.

ФРУНЗЕ РАЙОН ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИГА:

кон бурғулаш ишлаб чиқариши ва бурғулаш ишлари участкаларининг бошлиқлари, кон мастерлари, экспедиция бош механиги, катта бурғулаш мастери, саноат-граждан қурилиши қурувчи-инженери, бетон-конструкциялар тайёрлаш бўйича инженер-технолог, автомобиль хўжалиги бўйича инженер-технолог, инженер-гидротехниклар, инженер-программистлар, иккиламчи коммутация ва автоматика бўйича инженер-техник, бурғуловчилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй;
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
Ҳамза район пункти — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй;
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

«Ташплодоовощ» Акмал Икромов район улгуржи-чакана мева-сабзавот конторасн 1-филиалининг йўқолган ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

5-ўрта ҳунар-техника билим юртининг йўқолган ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Узводремстройэксплуатация» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш-технология комплектацияси бошқармасига тегишли 814, 815 номерлардаги йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА ОМИЛКОРЛИК БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛАЙЛИК!

УЙДА ҲАМ, ИШДА ҲАМ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАБ САРФЛАНГ!

Агар уйда бўлсангиз, ҳеч ким кўрмаётган телевизор беҳуда ёқилмаганми, бўш хонадаги чироқ ўчирилганми, ошхонадаги, зинадан чиқаверишдаги чироқни ўчириш ёдингиздан чиқмадими— эътибор билан бир қараб чиқинг:

Йўлак ва иккинчи даражали хоналарда 25 ватт кучга эга бўлган кам қувватли лампочкалардан фойдаланинг.

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН: 40 ватт кучга эга бўлган лампочка бекорга ёниб турса, у 35 кг. нон ёпиш учун, 10 кг. цемент ишлаб чиқариш учун, 2 жуфт оёқ кийимни тайёрлаш учун етарли электр энергиясини сарфлайди.

Электр чойнакларни, электр қайнатгичларни ва бошқа рўзғор электр асбобларини доимо тозалаб туринг. Бу билан Сиз электр энергияси сарфини камайтирасиз ва асбобларнинг ишлаш муддатини узайтирасиз.

Агар сиз ишда бўлсангиз — бекорга ишлаб ётган электр қурилмаси олдидан эътиборсиз ўтманг; қурилиш майдонларидаги прожекторлар, реклама чироқлари, магазин, ошхона, ателье ёритгичлари беҳуда ёниб турганлигига эътибор беринг.

Очиқ спиралли электр печларидан фойдаланиш ман этилади.



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН: электр энергиясини исроф қилиш —қанчадан-қанча беҳуда ёқилган кўмир, нефть, торф, газ демакдир!

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР».

Фирмали магазинларга марҳамат!

СИЗ АНА ШУ МАГАЗИНЛАРДАН ҚУЙИДАГИ ЯНГИ МОЛЛАРНИ ТАЖРИБА НАМУНАЛАРИНИ ҲАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

КИЙИМ ВА ГАЗЛАМАЛАР — 1-магазинида — Навоий кўчаси, 18-уй;

ТРИКОТАЖ — 2-магазинда —Охунбобоев майдони («Чорсу» бекати);

КИЙИМ, ПОЙАБЗАЛ, КАТТА РАЗМЕРДАГИ ТРИКОТАЖ БУЮМЛАР — «3-БОГАТИРЬ» магазинида — Фарҳод ярмаркаси;

ПОЙАБЗАЛ — 4-магазинда — Маҳсидўзлик кўчаси (Октябрь бозори);

КИЙИМ, ПОЙАБЗАЛ, ТРИКОТАЖ, СУНЪИЙ ва ТАБИИЙ ТОЛАЛАРДАН ТЎҚИЛГАН ГАЗЛАМАЛАР — 7-«ПЕРСПЕКТИВА» магазинида.

ЯНА ТЎРТТА ФИРМАЛИ МАГАЗИН РЕСПУБЛИКАНИНГ БОШҚА ШАҲАРЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН:

ТИКУВЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, ТРИКОТАЖ. ГАЗЛАМА, ПОЙАБЗАЛ — 5-магазинда — Бухоро шаҳри, Ленин кўчаси, 5-уй;

ТИКУВЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, ТРИКОТАЖ, ГАЗЛАМА, ГАЛАНТЕРЕЯ ВА ЧАРМ ГАЛАНТЕРЕЯ— 6-магазинда — Самарқанд шаҳри, Октябрь кўчаси, 6-уй;

ПОЙАБЗАЛ, ТИКУВЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, ГАЗЛАМАЛАР, ТРИКОТАЖ, ГИЛАМЛАР —8-магазинда— Урганч шаҳри, Ленин кўчаси, 17-уй;

ТИКУВЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, ГАЗЛАМАЛАР— 9-магазинда — Наманган шаҳри, Дўстлик проспекти.

Бу тўққиз магазинни ўз таркибига олган «Ўзбекистон» фирмали савдо бирлашмасининг мақсади моданинг янги йўналишларини пропаганда қилиш, аҳоли дидини шакллантиришдан иборат.



«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАЛИ САВДО БИРЛАШМАСИ.



Стол устида... баскетбол

СТОЛ УСТИДА ЎЙНАЛАДИГАН «БАСКЕТБОЛ» ЎЙИНИ ЖОЗИБАЛИ ВА ҚИЗИҚАРЛИДИР.

УНДА ЧАҚҚОНЛИК, АНИҚЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, МЕРГАНЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИБ ҲАҚИҚИЙ ЎЙИНДАГИДЕК ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАРНИ БОШДАН КЕЧИРИШ МУМКИН.

Ёрқин, хилма-хил рангга бўялган кичкинагина ўйин майдони чиройли кўриниши билан болаларни ўзига жалб этади. У ўғил ва қизингизга ажойиб совға бўлади.

Стол устида ўйналадиган «БАСКЕТБОЛ» ўйини «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ва «КУЛЬТТОРГ» магазинларида сотиляпти.

Баҳоси — 9 сўм.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

ЯНГИ УЙГА КУЧАЁТГАНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«Онега»—уйдаги шинамлик

«ОНЕГА-У-20» КОРПУСЛИ МЕБЕЛЬ ТЕРМАСИ ШКАФЛАРИНИНГ БЎЛМАЛАРИДА ҲАММА НАРСАГА— ИДИШ-ТОВОҚ, КИЙИМ-КЕЧАК, КИТОБЛАРГА ЖОЙ ТОПИЛАДИ.

ШКАФЛАРНИНГ БЕЗАТИЛГАН ОЛД ТОМОНИ ВА МАХСУС ФУРНИТУРА БУ ТЕРМАГА ЎЗИГА ХОС ЧИРОЙ БАХШ ЭТГАН.

«ОНЕГА У-20» МЕБЕЛЬ ТЕРМАСИНИ «МЕБЕЛЬ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИДАН (Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уй) ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН.

Баҳоси — 760 сўм.

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефоно 24-87-45).



«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик таяниси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-54-«Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 13027. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б.2478. Тираж— 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10